ЗИЙРАК БОБО НИМА ДЕЙДИ? 2-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

МЕҲР, ОҚИБАТ — ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ 6-бет

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ 8-бет



ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 202 (10.005) / 2003 ЙИЛ 17 ОКТЯБРЬ


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида шаҳар коммунал хўжалигининг 9 ойлик иш якунлари ҳамда 2003-2004 йил кузги, қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институтида USAID халқаро ташкилоти томонидан молиялаштирилаётган «PROJEKT HOPE» жамғармасининг Силга қарши курашиш дастури доирасида тадбир бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Яккасарой туман хотин-қизлар қўмитаси «Ракат» маҳалласи билан ҳамкорликда «Мактаб, маҳалла, оила» мавзуида тадбир уюштирди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туманида жойлашган 2-мусиқа мактабида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман бўйича саралаш босқичи бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Корея Республикаси халқаро ахборот агентлиги — «КОИКА» ҳамкорликда мутахассисларни компьютер ва янги ахборот технологиялари асосида профессионал тайёрлаш бўйича ўқув марказини очишга қаратилган лойиҳани имзолади.

Лойиҳани имзолаш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Акватех» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган сув тозалаш ускуналарининг харидорлари сафи кенгайиб бормоқда.**

**СУРАТДА: корхона ишчиси Алишер Абдураҳмонов.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.**



## ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга қаратилган дадил сиёсат юритмоқда. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимнинг имзоланиши Президентимиз Ислом Каримов узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатнинг яна бир ифодасидир. Мазкур ҳужжат 1996 йили 21 июнда имзоланиб, 1999 йил 1 июлда кучга кирган эди.**

Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида олий таълим муассасалари учун Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирни Европа Иттифоқи комиссиясининг Ўзбекистон бюроси директори И.Қосимов очди. Лойиҳа раҳбари Адриан Стрейн мазкур лойиҳанинг мақсади, олдига қўйган вазифалари ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон билан Европа ҳамжамияти ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик самарали кечаётгани ва у икки томон учун ҳам фойдали эканини алоҳида таъкидлади.

Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим саккиз қисм ва 102 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва Европа давлатлари билан янада мустаҳкам алоқа ўрнатишини қўллаб-қувватлашни кўзда тутади.

Ҳужжатнинг аксарият қисми халқаро савдо, хорижий сармояларни жалб этиш, меҳнат захиралари ва иммиграцияни назорат қилиш, интеллектуал мулкни муҳофазалаш, рақобат, солиқ ва чегара назорати билан боғлиқ муҳим соҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини Европа ҳамжамияти қонунларига яқинлаштиришдан иборат. Шунингдек, у демократия ва инсон ҳуқуқлари, маданият каби ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни ҳам кўзда тутади.

Битим Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва бозор иқтисодиёти самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлайди. Ҳужжатда Ўзбекистонга техник ва технологик кўмак бериш ҳамда минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

Тақдимот маросимида Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимни ҳаётга жорий қилиш лойиҳасининг мақсадлари, уни амалга оширишда ахборот ва ҳужжатлаштириш ҳамда мониторинг бўйича маълумотлар базаси марказининг фаолияти, савдо-сотиқ сиёсати, экспортни ривожлантириш стратегияси, жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш борасидаги музокараларга тайёргарликни қўллаб-қувватлаш, қонунларни яқинлаштириш жараёни, маъмурий ислоҳотлар ва уларда Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимнинг тутган ўрнига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

**ЎзА**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Катта Кремль саройининг Александр залида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б.Исламов Россия Федерацияси Президенти В.Путинга ишонч ёрлиқларини топширди.**

Топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида В.Путин Россиянинг анъанавий шериги бўлмиш Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини айтиб ўтди.

— Биз келгусида ҳам муносабатларимизни тенглик ва муштарак манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида давом эттиришга, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида терроризм ва гиёванд моддалар тажовузига қарши курашда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ишонаман, — таъкидлади Россия давлати раҳбари.

**«Жаҳон»АА.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта ҳиссаси, республиканинг банк ва молия тизимига юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси проректори, Васеда университети профессори Тошихаро Китамура «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.**

**• Бугун Ўзбекистон Кураш миллий федерацияси делегацияси Буюк Британияда тўртинчи бор ташкил этилаётган Президент Ислом Каримов номидаги турнирга жўнаб кетди.**

**• Кеча «Туркистон» саройида Ўзбекистон акушер-гинекологларининг VI съезди очилди. Анжуманда юртимизнинг барча вилоятларидан малакали соҳа мутахассислари ҳамда АҚШ, Россия, Венгрия каби давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар иштирок этмоқда.**

**• Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Болалар таомлари — Холдинг» компанияси, «Жаҳон Савдо Плус» фирмаси ва Россиянинг «Нутритен» компанияси ҳамкорликда ташкил этган «Болаларнинг озиқланиш детологияси» мавзуидаги анжуманда соғлом фарзандни ўстириш учун, аввало озиқлантириш воситаларига катта эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.**

**• Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейида Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1030 йиллиги муносабати билан «Дунёни лол қолдирган олим» мавзуида кўргазма очилди.**

### Жаҳонда

**• Озарбайжонда бўлиб ўтган президент сайловлари натижасида бош вазир Илҳом Алиев 79,46 фоиз овоз билан ғалаба қозонди. Бироқ муҳолифатчилар сайлов натижалари қалбакилаштирилганлигини таъкидламоқдалар.**

**• Япония Ироқни тиклаш мақсадида 1,5 миллиард АҚШ доллари микдоридаги маблағ ажратди. Ушбу маблағ тўрт йилга мўлжалланган 5 миллиард долларлик ёрдамнинг бир қисмидир.**

**• Нью-Йоркнинг Статен Айлен оролида паромнинг ҳалокатга учраши натижасида ўндан ортиқ киши ҳалок бўлди, 34 киши жароҳатланди.**

**• Москва шаҳрида менингит касаллиги эпидемияси кенг тарқалди. Мутахассисларнинг айтишича, бу Россияда менингит бактерияси оммавий равишда тарқалишининг учинчи оқими бўлиб, ҳозирча унга қарши кураш омиллари яхши самара бераётгани йўқ.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Боланинг насл-насабини белгилаш асослари нималардан иборат?**

**М.Юсупова, ишчи.**

Боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса бошқа далилларга асосан белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёҳуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Агар никоҳ тугаганидан кейин уч юз кун ичида бола туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби хусусида низолашиш ҳуқуқига эга.

* * *

**Гербли гувоҳномалар ҳақида билмоқчи эдим.**

**Ш.Истамов, талаба.**

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари асосида қатъий ҳисобда турадиган, маълум серияси, тартиб рақами бўлган, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг муҳри ва мансабдор шахснинг имзоси қўйилган, давлат герби тасвирланган гувоҳномалар берилади.

Гербли гувоҳнома беришда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи ҳамда герб йиғими ундиради.

Давлат герби тасвирланган гувоҳномани қалбакилаштириш қонунга биноан таъқиб этилади.

* * *

**Асалнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида маълумот берсангиз.**

**К.Маткаримова, Г.Қамбарова, уй бекалари.**

Асалнинг таркиби асосан глюкоза ва фруктозадан ташкил топганлиги боис инсон соғлиғи учун ниҳоятда фойдалидир. Унда шамоллашнинг олдини олиш, тана қувватини ошириш хусусияти кучли. Шунингдек яраларнинг битишини тезлаштиради. Масалан: лаблар шамолдан ёрилиб ўз кўринишини йўқотганда асал энг яхши малҳамдир. Бунинг учун лабларга асални суртиш керак холос. Бир неча муолажадан сўнг лабдаги ёрилган жойлар битиб кетади.

*Марказий Осиё ўйинлари*

## ДАСТЛАБКИ МЕДАЛЛАР ШОДАСИ



Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган V Марказий Осиё ўйинларининг биринчи куни баҳслариданоқ спортчиларимиз шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишга эришдилар. Дзюдо бўйича 100 килограмм вазн тоифасидан юқори бўлган полвонлар беллашувида Ўткир Саломовга тенг келадиган топилмади. У V Марказий Осиё ўйинларида юртимизга илк олтин медални туҳфа этди. Михаил Соколов (100 кг), Х.Набиев (81 кг), Икром Нуриллаев (90 кг)лар кумуш медалга сазовор бўлдилар.

Боксчиларимиздан уч нафари ярим финал масаласини ҳал қилишди. 60, 64 ва 91 килограмм вазн тоифаларида рингга кўтарилган Дилшод Маҳмудов, Жаҳонгир Сувонқулов ҳамда Сергей Михайловлар чорак финал беллашувларида рақибларидан устун эканликларини намойиш этишди. Спортнинг ушбу туридаги сўнгги «жанг»лар 18 октябрь куни бўлиб ўтади.

**СУРАТЛАРДА: дзю-до бўйича Марказий Осиё ўйинлари чемпиони Ў.Саломов; кумуш медаль соҳиби М.Соколов (чапда).**

**А.Илясов олган суратлар. «Жаҳон» АА.**



*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ШИРИН СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

Ёшлигимизда ота-боболаримиздан эшитган панд-насиҳатлар ҳалигача қулоғимиз остида жаранглайди. «Катталарга гап қайтарма, қаерда бўлма ёши улуғларга жой бер, хушмуомалада бўл, ҳар бир гапингни ўйлаб гапир, мақтанчоқ бўлма, камтарин ва меҳнатсевар бўл, катталар гапирганда одоб сақлаб жимгина эшит» каби пурҳикмат гапларни болаларга албатта ёшлигидан гапириб, қулоғига қуйиш зарур.

Ҳозирги айрим ёшларга қараб туриб, уларнинг ота-онаси қаерга қараяпти ўзи, кийиниш, сўзлашиш одоблари нима учун бунчалар ўзгариб кетганига ҳайрон қоладан киши. Наҳотки, юқорида келтирилган панд-насиҳатларни уларга ота-оналари ёшликларидан ўргатишмаган бўлишса?

Яқинда метрода кетаётиб уч-тўрт талаба қизларнинг ёнларида туриб қолдим. Вагонда одам сийрак бўлгани учун қизларнинг бир-бирлари билан суҳбатлари атрофдагиларга шундоқ эшитилиб турарди. Аввало қизларнинг кийинишларини кўриб, наҳотки булар ўзбек қизлари,деб ўйлаб қоласиз. Баданларига ёпишган тор жинси шим, европача беўхшов шокилдали кофта, сочларини аймайсизми, қоп-қора сочлар сариқ-қўнғир рангларга олачипор қилиб бўялган. Бу ҳам етмагандек,қизларнинг оғизларидан чиқаётган беҳаё ва беъмани сўзлардан ёқа ушлайсиз. Ўша куни бу ҳолдан кайфиятим бузилиб уйга қайтдим. Кечга томон бир танишимга телефон қилишим зарур эди. Бир неча бор қўнғироқ қилиб туша олмадим. Телефон банд бўлаверди. Яна бирор соат ўтгач қўнғироқ қилдим. Энди ўртага икки аёлнинг суҳбатлашаётгани тушиб,уларнинг гаплари шундоқ эшитилиб турарди. Соат ўндан ошгач хунобим ошиб яна қўнғироқ қилдим. Яна ўша аёллар бир-бирларига дарду ҳасратларини тўкиб-солишар, кимларнидир ғийбат қилиб, қарғаб-қақшашарди:

— Ҳа, қирилсин, у жувонмарг, шунақа асабимга тегяпти. Эр бўлмай қаро ер бўлсин. Топган пули ўзидан ортмайди, ҳали бензин,ҳали сигаретига,ҳали улфатлари билан «гап»га. Мен эса икки йилдан буён анави янги чиққан пальтодан олиб беринг деб ялиниб ўтяпман. Ана оберaман, мана оберaман, деб ваъда бергани берган. Тилла занжир олиб бергунчаку чакагим тушганди. Энди пальто, яхши этик олишим керак. Бу қурумсоқ эримдан ёруғлик чиқиши қийин-да. Қуруқ ойлик билан сенга қимматбаҳо кийим олиб беролмайман,дейди туркинг қурғур. Ҳа, ойликка кўз тикмай, ёғлироқ иш топ бўлмаса. Тунов куни аразлаб икки боламни олдим-да, отамнинг уйига бориб бир ҳафта туриб келдим. Бир ёлғиз қолиб таъзирини есин,дедим-да. Йўғимда анави турқи совуқ,писмиқ қайин эгачим келиб ҳолидан хабар олиб турганмиш. Келиб уйимнинг астар-аврасини чиқариб, титиб кетган яшшамагур,-биламан қўли эгри уни.

—Ҳа, сенинг дардинг меникидан қолишмайди-я, ўртоқжон, — деганча суҳбатдоши энди ўзининг дардини дастурхон қила бошлади. — Вой, қайнонамнинг дастидан дод. Ҳали ишдан кеч келасиз, ҳали овқатнинг тузи паст,дейди ёки бўлмаса кўчадан бери келмайсан, дўконма-дўкон изғийсан, дейди. Ҳеч қутулмадим, қутулмадим-да, бу вайсақи кампирдан.

Хуллас, телефонни соатлаб банд қилиб, бир-бирига дардини тўкиб,оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган аёлларнинг суҳбатларини эшитиб яна хунобим юз карра ошди. Наҳотки,бу аёлларнинг бошқа ишлари йўқ. Наҳотки, шунча вақт телефонда узундан узоқ гаплашиш ўрнига, оиладаги юмушлари, фарзандлари тарбияси билан шуғулланишса ўзларига фойда бўлишини билишмаса? Ахир ўз турмуш ўртоғини, ёки қайнонасини шанғиллаб телефонда турли ёмон сўзлар айтиб қарғаши одобданми? Бу икки аёлнинг фарзандлари оналаридан қандай ўрнак олишади?! Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмайдику ахир.

## ҚУДА ЧАҚИРИҚ МАШМАШАСИ

Тўй яхши, кетидан чиққан ғалваси чатоқ экан. Шароф қуруқ яқингинада етти маҳаллага доңғи кетган тўйидан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас қуда чақириқни ҳам ким ўзар қабилида қилиб ҳамманинг оғзини очириб қўйганди. Чақириқнинг эртасига икки қуда томон бир-бировларига қўнғироқ қилиб даҳанаки жанг бошланибди.

Жанжал нимадан чиқибди денг? Чақириқда қизнинг отаси Шароф қуруқ куёв томондан келган қудалардан ўн саккиз кишига қимматбаҳо тўн кийдирибди. Қолганларига эса қўйлак тарқатибди.Лекин эртасигаёқ жанжал бошланибди. Куёвнинг онаси қизнинг онасига телефон қилиб:

— Ҳай, ўргилай қудажон, бу қанақаси, тўй тўйдек бўлсин деб келишмабмидик? Охиригача чидаб беринг-да, энди. Кеча кийдирган тўнларингиз сифати паст, кичкина экан, кўпчиликка тўғри келмабди. Бу ҳам майли, биттагина акамнинг кенжатой ўғли тўн киймай, бегоналардек қўйлак кўтариб келди-я. Келиб манга улоқтирди, у қўйлак савилни. Шунча тўнга кучиз етибдию, яна биттагинага наҳотки зиқналик қилдингиз? Ахир тўн киядиганларнинг рўйхатини бериб юборгандимку. Қариндошларимнинг олдида бирам изза бўлдим. Топган қудаларингиз шуми, қурумсоқ экан, дейишяпти. Майли, энди буёғига кўзингизни каттароқ очинглар. Эрта-индин биз ҳам чақириқ қилганда бу айбларингизни ювиб, каттароқ сарполар билан келасиз. Сизларга шундоқ ўғлим куёв бўлдия, «Нексия»си анча эскириб қолган,. янги чиққанидан мингиси келяпти. Ҳа, куёвларни пайғамбарлар ҳам сийлашган,деган гап бор-а. Кўрамиз, ҳимматингизни.

Бу гапларни эшитган қизнинг онаси оғзини ҳам очолмай, тили калимага келмай ҳайрон бўлиб қолди. Рангирўйи ўчиб ўтирган хотинининг аҳволини кўрган эри бу машмашаларни эшитгач қаттиқ асабийлашди.

Эртаси эрта тонгда Шароф аканинг эшиги олдида қўшнилар «тез ёрдам» машинасини кўриб ҳайрон бўлишди. Шу тариқа, не-не ниятлар билан, топганини тўйга сарф қилиб, ким ўзарга, ўзини бошқаларга кўрсатиб қўяман, деб чираниб, қарзга ботган Шароф қуруқ юрак хуружи билан касалхонага тушди.

Ҳа, бундай кўрпага қараб оёқ узатмай, манмансираб тўй қилганнинг ҳоли вой бўлди. Фарзандларининг бахтини ўйлаб эмас, бойлик, қимматбаҳо сарпо-суруғларга учиб тўй қиладиган айрим кимсалар, нафақат ўзлари, балки фарзандларининг бахтига ҳам зомин бўлишлари аниқ. Мана шундай дангиллама тўйнинг доңғи афсус, узоққа чўзилмади.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Эрталаб Фариза эшик қўнғироғи овозидан уйғониб кетди. У эринибгина туриб эшикни очди ва нотаниш бир кимсани кўриб довдираб қолди.

«Ҳеч ҳам безовта бўлманг», — деди нотаниш киши. Фариза бошида нима қиларини билмади, чунки турмуш ўртоғи ошга кетган, айни қайтадиган вақти бўлганди. Эшикни эса эрим бўлса керак деб, очган эди. Нотаниш киши мулойимлик билан янги қўшни эканлигини ва аёлига тикув машинаси зарур бўлиб қолганини, агар бериб турса 1 соатга қолмай олиб чиқиб беришини сўради. Фариза бошида унамади, ахир қандай қилиб биринчи марта кўриб турган одамига ўзининг яқинда олинган тикув машинасини беради, аммо «янги қўшни» йиғламоқдан бери бўлиб ялинди. Майли, ўйлади Фариза, эркак киши ялиниб турса, ҳали Бекмурод акам ҳам мендан ўпкаланишлари мумкин, деб тикув машинасини бериб юборди. Бир оздан сўнг Бекмурод ака келди ва аёли бўлган воқеани айтиб берди. Бекмурод ҳайрон қолди, ахир яқин орада бу ерга ҳеч ким кўчиб келмади-ку... Бекмурод зудлик билан милиция ходимларига қўнғироқ қилди.

Айниқланишича, ушбу фирибгар ҳеч қаерда ишламайдиган, илгари ушланган, дайди С. Федор экан. Энди у тинч яшовчи аҳолига эмас, балки панжара ортида жиноятчиларга қўшни бўлиб ўтиради.

● Бир неча кундан бери Азизларнинг уйи атрофида бир нотаниш киши ўралашиб қолди. Бошида Азиз бунга эътибор бермади. Кейин эса эътибор бермаганлигидан афсусланди...

Уйининг ҳовлисида бир гала болалар ўйнашарди. Бир маҳал Лоланинг онаси уйга чақириб қолди. Лоланинг шунча ялинишига қарамай, онаси унинг уйга киришини талаб қилди. Қизалоқ ноилож коптогини олиб секин уйи томон йўл олди. Лола лифтнинг тугмасини босди ва ўйин қилиб лифтга биринчи коптогини отди. Ўзи энди кирмоқчи эди қамки орқасидан ўртоғи чақириб қолди. Лола шундоқ ўгирилиб қараган эди, лифт ёпилиб қолди ва юқорига кўтарилди. Лифт юқорига чиқди, аммо тўхтамади ва бир нарса гумбурлаб кетди. Бу овоздан барча қўшнилар югуриб чиқишди ва бир оздан сўнг қутқарувчилар ва милиция ходимлари етиб келди. Аниқланишича, лифтнинг тўхташ ғилдираги ғўйирланиб, натижада у тўхтамай пастга, тепага урилиб парча-парча бўлган. Шунда Азиз ўз гумонини айтди. Зудлик билан тезкор чоралар кўрилди. Чирчиқ шаҳрининг, Маданият кўчаси 13-уйда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган М.Валентин ушбу жиноятни содир этганликда айбланиб, қўлларига кишан солиниб, олиб кетилди.

**Феруза УМРЗОҚОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири.**

---

**• ДИЛДАГИ ГАПЛАР**

# МЕҲР-ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК

**Инсон яратилибдики, яхши ният билан яшайди. Оила қуради, фарзанд кўради, қуда-анда қилиб, урф-одат, удумларимизни бажо этади. Хуллас, ҳаёт гўзал, ўз режаси билан ўтаверади. Аммо ҳаётнинг гўзал, мазмунли, ибратга лойиқ ўтишида, кишининг бахтли бўлишида инсоннинг баъзи хислатлари алоҳида мазмун касб этади. Бу инсоннинг гўзал фазилати — меҳр ва оқибатдир. Донолар дейдиларки, одамнинг юрагида 4 та гавҳар мавжуд эмиш, улар ақл, меҳр, сахийлик ва мурувватдир. Халқимиз меҳмондўст, одамшаванда, меҳрибон, оқибатли. Айниқса ота-онага, қариндош-уруғга, қўни-қўшнига кўрсатилган меҳр, саховат жуда гўзал хислатдир. Бировга баҳо берганда — у оқибатли, меҳрибон инсон дейишлари бежиз эмас. Орамизда меҳрибон, оқибатли, ота-онасига, оила азоларига, қариндошларига, дўстларига меҳрини аямайдиган инсонлар кўплаб учрайди. Аммо мерос талашиб, юз кўришмай кетган опа-укалар ҳам учраб туради.**

Ака-укасига, сингилларига меҳрибон инсонлардан бири Дилбархоннинг акаси Пўлатжондир. Кунларнинг бирида шаҳар «Маҳалла» жамғармасига Дилбархон исмли бир аёл келди. Маълум бўлишича, Дилбархон 4-курс талабаси эканлигида бир йигит билан севишиб турмуш қуришган. Вақт ўтиши билан уч фарзандлик бўлишган. Бахтли ҳаётларига кутилмаганда, ташвиш—беморлик кириб келади. Умр йўлдошининг юрагига грипп касалининг асорати таъсир этиб операция зарур бўлади. Аммо операцияга кўп маблағ керак эди, шунда меҳрибон акаси ўзининг «Жигули» машинасини сотиб, синглисига кўмак кўрсатади. Маҳалладошлар ҳам ёрдам қўлини узатадилар. Моддий маблағ бериб, Дилбархонга уйида ўтириб тикиш-бичиш ишига ёрдам қилишади. Дилбархоннинг умр йўлдоши муваффақиятли операция қилинади — юрагига сунъий клапан қўйилади. Аканинг меҳрибонлиги, мурувввати туфайли куёвнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Яни бир мисол, 90 ёшга кирган Собирахон аянинг айтишларича, уруш йилларида, 4 та бола билан ўзлари ёлғиз рўзғор тебратганлар. Турмуш ўртоқлари урушда, болалари ёш, биргина сигирнинг сутини сотиб тирикчилик қилганлар. Қайноталари ёш қизлари билан ёлғиз яшаганлар. Собирахон ая ҳар куни бир коса овқатни қайнотага чиқариб турганлар, кийимларини ювиб-тараганлар, меҳрларини аямаганлар, уларнинг дуоларини олиб, мана узоқ умр кўрмоқдалар. Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир, дея бежиз айтмайди халқимиз.

Меҳр юракдан, самимий бўлса, ҳар қандай нарсадан афзал.

Бир қария-оқсоқол шу мавзудаги суҳбатда, айтишларича, 4 ўғил, 1 қизлари бор, рафиқалари бевақт оламдан ўтган. — Мен кичик ўғлим билан яшайман, ўғлим, келиним вақтида қараб турадилар, бироқ меҳр, юракдан қараш бошқа, парвариш бошқа экан, — дейдилар улар. — Меҳрибонликни сезмайман, бунга ўз вазифалари сифатида қарашади. Бироқ инсонга меҳр керак экан, биз қариялар ёш боладай бир оғиз ширин сўзга интизормиз, масалан «Ота, сизга мана буни олиб келдим, нима хоҳлайсиз», деса шу бир оғиз ширин сўз, кўнгилни кўтаради, бир оғиз ёмон сўз кўнгилни вайрон қилади. Қарияларга эътибор керак. Меҳр айниқса қарияларга, ногиронларга зарур.

Бу хислатни шакллантиришда асосан ота-она, оиланинг ўрни бошқа, оилада болаларни, ота-онага, қариндош-уруғга меҳрибон бўлиш руҳида тарбиялаш, шахсий ҳаракат билан ўрнак бўлиш керак.

Бундан ташқари маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар комиссиялари бу борада ёшлар ўртасида иш олиб боришни керак, ибратли инсонларни мисол қилиш, турли мавзуларда учрашувлар уюштириш фойдадан ҳоли эмас. Энг муҳими, ижобий фазилатлар ҳақида, аждодлар мероси, қариялар ўгитларидан гапириш лозим.

Шоир айтганидек:

**Ўтаётган ҳар кундан**
**Меҳру мурувват қолур,**
**шафоат қолур.**
**Молу бойлик ўтаверар,**
**шону-шараф ўтар.**
**Фақат иймон тахтида**
**Ёлғиз оқибат қолур!**

Ҳа, меҳр-оқибатли бўлайлик азизлар!

**Муборак ЮНУСХЎЖАЕВА**

---

*Таълим*

**Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши — АКСЕЛС Ўзбекистонда ўз фаолиятини 1993 йилда бошлаган эди. Бугунги кунда бу нуфузли ташкилот мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида ўз офислари, маслаҳат марказларига эга.**

# АКСЕЛС ДАСТУРЛАРИ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Ўқувчилар, талабалар, аспирантлар ва ўқитувчиларнинг АҚШда таълим олиш дастурларидан ташқари доимий илмий-амалий семинарлар, конференциялар ҳам ўтказилмоқда. «Инглиз тили ва америкашуносликни ўқитишдаги аълочилик» дастури ҳам изчил амалга оширилиб келинмоқда. АКСЕЛС томонидан ўтказилаётган, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот, маданият ва таълим бўлими ҳомийлик қилаётган, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кўмагида бўлган бу дастур ғолибларидан бир неча киши Америкада ўқиш имкониятига эга бўлди. Улар ўзлари учун қиймати 200 АҚШ долларига тенг бўлган инглиз тилини ўрганиш бўйича совға сифатида китоблар ҳамда ўз мактаблари учун 2000 АҚШ доллари қийматида ўқув жиҳозлари (компьютер, принтер, нусха кўчириш машинаси, факс, аудио магнитафон ва ҳоказолар) билан мукофотландилар.

Америка Кенгаши келгуси ўқув йили учун очиқ танлов эълон қилди. Ўқитишда аълочилик мукофоти дастурида ғолиб чиққан ўн нафар инглиз тили ўқитувчиси 2004 йилнинг ёзида АҚШда малака ошириш семинарида қатнашади. Ўз навбатида АҚШ ўрта мактаблари ғолиб ўқитувчилари Ўзбекистонга келиб, ўзбек тили ва америкашуносликдан дарс бераётган моҳир муаллимлар иш тажрибалари билан яқиндан танишадилар.

Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши дастурлари бўйича амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида АҚШ ва Ўзбекистон таълим ҳамкорлиги бошланганига ўн йил тўлиши муносабати билан ўтказилган анжуманда сарҳисоб қилинади.

**Баҳодир ЗОИРОВ**

---

*Анжуманлар*

# МАҲАЛЛА ВА ҲУҚУҚ

**Японияниннг Нагоя университети ва Тошкент Давлат юридик институти ҳамкорликда ташкил этган халқаро анжуман «Анъанавий ҳуқуқий тизим ва маҳалла» деб номланди.**

Анжуманда Япония, Туркия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган жамоат арбоблари сўзга чиқиб, юртимиздаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ижодкорлиги ваислоҳотларни қўллаб-қувватлашда уларнинг ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалла ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилди. Судлар томонидан никоҳни бекор қилиш ишларини кўришда судлар ва маҳалла қўмиталарининг ҳамжиҳатлиги, шунингдек оилавий низолар, қўшничилик муаммоларини ҳал этиш, ёшларни тарбиялаш ва улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни ҳақида маърузалар тингланди.

Айниқса, профессорлар Эрик Словерс ва Сугиуранинг маърузалари долзарблиги билан ажралиб турди. Тадбирда сўзга чиққан хорижлик меҳмонлар ўз давлатларидаги мавжуд ҳуқуқий тизимлар ҳақида гапириб бердилар. Энг эътиборлиси шундаки, Японияда Chikonaikai ва Jichikai деб аталувчи ўзини ўзи бошқариш органлари кўп жиҳатдан бизнинг маҳаллаларга ўхшаб кетаркан. Бу яқинлик ўзбек ва япон халқи азалдан ҳамкору ҳамфикр бўлганлигининг яна бир далилидир.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

---

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


2003 йил 31 октябргача

«Ўздавцирк» республика бирлашмаси
Тошкенбой Эгамбердиев номли
Тошкент Давлат цирки

2003 йил 31 октябргача

ЕВРО ЦИРК



**НИКУЛИН ЦИРКИ ИШТИРОКИДАГИ ЕВРО ЦИРК**

Супер шоуси қуйидаги томошаларни кўрсатади:
**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР**
Россияда хизмат кўрсатган артист Николай Тимченко раҳбарлиги остида
**ПАТАГОН ДЕНГИЗ ШЕРЛАРИ**
Ўргатилган ҳайвонларнинг қувноқ карусели
айиқлар, маймунчалар, пакана отлар, эшаклар, кучуклар
**ШЕРЛАР + ЙЎЛБАРСЛАР**
аттракциони
кулги қироллари
**«СЭМ» масхарабозлар гуруҳи**
Директор, бадиий раҳбар — хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳром Жалилович Мажидов

ЕВРО ЦИРК

**Томошалар:** иш кунлари соат 18.00 да; шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.
**Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда.**
**Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.**
**Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.**
**Маълумот учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23**

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади.
Т: 22-98-05

«Турон» акционерлик тижорат банкидан «Омон-145» дорихонасига берилган №1211350 — №1211400 рақамли чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Радиодеталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодеталлари, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади.
Телефон: 68-93-93

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактаби томонидан 1999 йилда Маннопов Абдуғани Абдувалиевич номига берилган № 570211 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Poytaxt INFORM FM 107.2
132-26-44 132-26-45
*Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».*

*Қардошларимиз табассуми*

## ХАТ

— Ота жоним-ов, сиз сира уйга хат ёзганмисиз?

— Ў, келинжон, бояги қирғин уруш йилларида овулда қолган хотинимга талай хатлар ёзганман, омон-соғлиғимни билдирганман... Энди кимга хат ёзай, кўз қурғур кетиб қолган, яхши кўрмайди, қўлнинг титраб туриши мана... Керак одамнинг ўзи ёзаверар-да.

— Отажон тўғрисини айтсам, мен сизнинг ёзган хатларингизни шундай ўқигим келяптики!...

— Айланайин-ов, келинжон, бир уйда бирга ўтириб, сенга хат ёзсам — бу жуда қизиқ гапку...

— Бунинг йўлини топамиз! Бундай қилсакчи: сизни қариялар уйига жойлаштирамиз, сиз шу ёқдан уйга хат ёзиб турасиз. Биз эса ўғлингиз билан хатларингизни мазза қилиб ўқийверамиз!...

## ЎЗИНИ ТАЪМИНЛАШ

— Сени беш боласини чирқиратиб, хотини билан ажрашибди деб эшитдим...

— Эй менга қара, замонавий тилда гапиришни қачон ўрганасан ўзи? Мен мустақил бўлдим, иқтисодий жиҳатдан ўзини-ўзи тўла таъминлайдиган одамга айландим, холос!

## ТАНИШУВ

— Ассалому алайкум, Мекембой оға!

— Воалайкум...

— Танимаган одамга ўхшайсиз-а, Мекембой оға. Мен сизни дарров танидим.

— Мен ҳам сени дарров танидим.

— Совуққина сўрашаётганингиз учун ...

— Ўтган сафар ўзинг мени танимаганга олиб, совуққина сўрашган эдинг-ку!

— Қўйсангиз-чи, қачон?

— Директорликдан тушмасингиздан бурун!

## РОЗЕ БАҒЛАНОВАНИНГ ЖАВОБИ

Розе Бағлановaнинг концерти бўлиб ўтди.

Залга лиқ тўлган халқ уч соатлаб қўшиқ тингласа ҳам, сира тўймай эшитади. Концерт тугаганидан кейин ҳам томошабинлар кетмай, ноёб овоз эгасини қарсак билан олқишлаб туради. Шунда биров қичқириб:

— Қароқларим-ов, шундай илоҳий овозли қиз қозоқда туғилгани учун раҳмат айтинглар! — дейди. Бу қичқирган одам паҳлавон келбатли Комилғози Шалдирбеков экан. Унинг Алпомишдай гавдали одам эканини кўрган Розе Бағланова ҳам шу заҳоти:

— Қозоқнинг сиздай йигитлари бор экан, биздай қизлар нима учун туғилмас экан! — деб жавоб беради.

## «АЙТАВЕРСИН, ЁМОНЛАЁТГАНИ ЙЎҚ-КУ...»

Қозоғистон Фанлар академиясининг Президенти улкан олим Қаниш Сатбоев Олий Кенгаш депутатлигига номзод бўлиб, сайловчилар олдига таништириш учун келган экан. Шундай учрашувларнинг бири вилоят ёзувчилар бўлимининг мажлислар залида бўлиб ўтибди. Йиғилишда сўзга чиққан сайловчиларнинг бири Қаниш оғани мақташга киришибди, олимнинг ёзувчи эмаслигидан бехабарми, ишқилиб:

— Биз Қаниш Сатбаевни жуда яхши биламиз.

У ўзининг ажойиб роман ва қиссаларида меҳнаткашлар образини, оддий халқ вакилларини жуда севиб тасвирлаган, унинг асарлари халқимиз ичида жуда машҳур! — сўз бошлаб қолибди.

Хайъатда, Қаниш оғанинг ёнида ўтирган таниқли бир адиб:

— Қаниш, узр энди, уят бўлди-ку, бу одам сизнинг олим эканлигингизни билмас экан, ёзувчи деб ўйлаган... — деб шивирлабди.

— Ҳечқиси йўқ, гапираверсин, — дебди олим кулиб. — Мақтаётирми, гапираверсин! Ёмонлаётгани йўқ-ку!

*Кўргазмалар*

# ТАСВИРЛАРИ ЎЗИГА ХОС



**Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида пойтахтимиздаги 110-мактабнинг 6-синф ўқувчиси ҳаваскор мусаввира Диёра Ҳасанова машқларидан намуналар намойиш этилмоқда. Ўттизга яқин тасвирлар плакат ва рангтасвир жанрида бўлиб, улар-да асосан тинчлик-осойишталик мавзуи ёритилган.**

Диёра эндигина 11 ёшга тўлди. Ундаги қобилият, тасвирий санъатга қизиқиш, ижодий намуналарида ўз аксини топган. Қизча тушунчасига кўра тинчлик мавзуини қушлар тимсолида ифода этади. Плакатларидан бирини «Қушлар эркин учаверсин» деб номлаб, худди қушлардек парвоз этиб бораётган ўзи каби қизчани тасвирлайди. Тепасида қушлар галаси... Бу ўзига хос туркум бўлиб, давомини «Қуш ушлаган аёл», «Дераза», «Шошқин ҳаёт» тасвирларида кўрамиз.



Диёра Ҳасанова-да табиат ва инсон ҳақидаги ўй-хаёллар ҳам мавжуд. Табиатнинг турфа гуллари, мусаффо ҳавоси, ер ва сувларини тасвирлаб, жониворлар ҳақида хаёллар суради. «Тошбақа» асари шу мақсадда чизилган. Унинг ҳамма ёғини қоплаб олган товоғига маҳлиё боқади. Шунингдек, сувдаги бемалол, эркин сузиб юрган балиқларга ҳаваси келиб «Балиқлар» расмини яратди. Балиқлар ҳаракатда, улар сув билан тирик деган ғояни очиб берган. Шу ғоя «Заминга муҳаббат» асарида ҳам давом этган.

Диёра ёш бўлса-да болалар ижоди маркази студиясига қатнаб, устозлари Ҳикмат Жалилов, Баҳодир Жалоловлар ўгитларига қулоқ солиб, тасвирий санъат сир-асрорларини бирмунча эгаллаб олди. Бу мавзуни танлаш, композиция, фазовий кенглик, ҳажм ва рангларни ўрнида ишлата билишда кўзга ташланмоқда. Унда санъат иштиёқида интилиш, ўйлаган мақсадини амалга ошириш фазилатлари мавжуд.

Асарларининг бир қисми ота-она, устоз ва шогирдларга бағишланган. Бу тасвирлари ҳам ўзига хос. Ижод қилишда гоҳ реализм йўлидан борса, гоҳ хаёлот уни тинчитмайди...

Диёра Ҳасанова фикри кенг, беғараз, тажрибали устозлар қўлида таълим олмоқда. Ёш санъатга шайдо ижодкорнинг келажагига ишонамиз. Зеро, боғнинг боғбони яхши бўлса, мевалари серҳосил, ширали, хуштаъм бўлади.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**санъатшунос.**

**СУРАТЛАРДА: ёш мусаввира Диёра Ҳасанова ижодидан намуналар.**
**Сергей Любчич олган суратлар.**

*Кулги — жон озиғи*

**Бугунги кунда мамлакатимизда футбол мавсумининг иккинчи давра ўйинлари якунланиш арафасида. Айни кунларда Республикамизнинг деярли ҳар бир вилоят маркази ва йирик шаҳарларида кўзга кўринган футбол жамоалари мавжуд. Бундан 30-40 йиллар илгари эса «Пахтакор» жамоасининг довруғи таралган бўлиб, қўшни республикалар ҳамда чет эл жамоаларига қарши муносиб ўйин кўрсатарди. Шу боис, «Пахтакор» стадионида ўйин ўтказилгудек бўлса барча вилоятлардан ишқибозлар оқиб келаверарди.**

**Қуйида 1963 йили «Пахтакор» стадионидаги бир ўйиннинг танаффус пайтида стадион радиоси орқали берилган аскияни ихчамлаштирилган ҳолда кулги шинавандаларига ҳавола этамиз. Бу аския қўқонлик ашаддий футбол ишқибозлари — Ҳусанжон Йўлдошев билан Комилжон Раҳимов (ҳозир улар орамизда йўқ) нинг футбол пайрови эди:**

# ФУТБОЛ ПАЙРОВИ

**ҲУСАНЖОН** — Комилжон ака, иккимиз ҳам болаликдан **КОПТОК ТЕПИШИБ**, улғайганмиз. Мана бугун севимли командамиз «Пахтакор» ўйинига Қўқондек шаҳри азимдан келганмиз, стадионда ўтирган ишқибоз оғайнилар-га бир футбол пайрови қилайлик.

**КОМИЛЖОН** — Ҳусанжон, пайров айтишга айтамиз-у, ўйиннинг иккинчи ярмида пахтакорчиларга гапларимиз малол келиб, ютуқни бой бериб қўйишмаса, деб ўйлаб қолдим.

**ҲУСАНЖОН** — Қўйинг-е, ҳаммани ўзингизга ўхшатманг. Эсингиздами, бирга копток тепишганимизда ўйинда **ЧАП** беришда сизнинг олдингизга тушадиган йўқ эди.

**КОМИЛЖОН**— Қизиқсиз-да, ўйинда чап берсам мураббийимиз ўргатганини қўллаб сизни алдаб ўтгандирман.

**ҲУСАНЖОН** — Бу гапингизга қараганда ҳақиқий **ТЎП СУРАР** экансиз, ўйнашингизни кўрсатинг, мен ҳам **ТЎПТЕПАР**лигимни кўрсатиб қўяй!

**КОМИЛЖОН** — Аччиғингиз келяпти, шекиллли, оёқ қолиб, **ҚЎЛНИ** ишлатишга ҳаракат қиляпсиз.

**ҲУСАНЖОН** — Аччиғим сал келганда, аммо, **БУРЧАК**дан **ЗАРБ БИЛАН ТЎП** тепишингизни кўриб, **ҲИСОБНИ ОЧГАНИНГИЗГА** қойил қолдим.

**КОМИЛЖОН** — Ҳали кўп қойил қоласиз, рақиб **ДАРБОЗАБОНИ** ушлаб қолмаса тепган тўпим **ТЎРНИ** ҳам тешиб ўтарди.

**ҲУСАНЖОН** — Команданинг бошқа аъзоларига **ОШИРМАЙ**, тўпни нуқул рақиб дарвозабони қўлига туширасизда, баъзида эса **ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ** ҳолатда тепиб, чаккангизни қашлаб қоласиз.

**КОМИЛЖОН** — Ўзингиз-чи, тўпни мўлжалга тепмай, дарвоза **ТЎРИ**дан анча баланддан ўтказасиз.

**ҲУСАНЖОН** — Ака, бир қилиғингиз ҳамманинг ғашига тегади: баъзида атайлаб ҳужум қилиш ўрнига майдон ташқарисига чиқариб юбориб, **ҲУШТАКЧИЛАР** «олқиши»га қоласиз-а?

**КОМИЛЖОН** — Майкангиздаги «5» рақамни кўриб, баҳоси беш ярим ҳужумчи экан дердим, аммо, дарвозага яқинлашганда довдираб қолиб, тўпни **КАЛЛА БИЛАН** урмоқчи бўлиб, йиқилганингиз йиқилган.

**ҲУСАНЖОН** — Сиз ҳам иссиғингиз қирқ бўлганда майдонга тушиб юрманг, **КОПТОК** ўрнига устингизга шиша ёғилади-я!

**КОМИЛЖОН** — Энди етар, ўйиннинг иккинчи ярми бошланади, «Пахтакор»-га ҳамиша омад ёр бўлаверсин! Юзлаб **ТЎПЛАР**ни ўз дарвозасидан эмас, рақиб дарвозаларидан териб олаверсин!

**ҳаваскор аскияшунос**
**Олим БЕКОВ тайёрлади.**

*Турфа олам*

## ОЛТМИШ МАРТА УЙЛАНГАН

38 ёшли мисрлик Холдид Ашта тарихда ном қолдиришнинг ўзига хос йўлини топди. Унинг номи оила қуриш ва ажралишда «Гиннеснинг рекордлар китоби»га энг катта кўрсаткич бўлиб ёзилиши мумкин. Рекордлар китобининг ваколатлигига юборган ҳужжатларида у ўзининг 60 марта уйланганини исбот қила олишини маълум қилган.

Хотинларининг орасида унинг 17 таси ўз миллатига мансуб, қолганлари 28 миллатдан ташкил топган, 43 таси чет эллик. Энг кам никоҳда турган вақти 48 соат, энг кўп тургани уч йил экан. У ўзи хотинларининг биронтасини ҳам алдамаганини, уларга аввалги хотинларининг сонини айтиб огоҳлантирганини одамларга кўз-кўз қилади. Шундай бўлса ҳам аёллар унга турмушга чиқишга розилик беришган. Ажабланарлиси шундаки, унга турмушга чиқадиган қиз ва жувонларнинг биронтасини унга розилик билдиргани учун гап-сўз қилишмаган.

## 104 ЁШЛИ КУЁВ

Италиянинг Генуя шаҳрида яшовчи 104 ёшли Андонио ди Гойя 16 ёшли Мария Маурога уйланганида ҳамма ҳайрон қолиб, «Чол қариганида ақлдан озибди» деб кулишган эди. Ҳозирда ўша кулганларнинг ҳазиллари пучга чиқди. Чунки Мария ақлдан озган чолдан ҳомиладор эканлигини шифокорлар исбот қилди.

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Икки яхши одамнинг яхшироғини ажрата олиш ҳунар эмас, аммо икки ёмоннинг дурустроғини ажрата олиш ҳунардир.

● Яхшиликларни йўққа чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир.

● Яхши ишда ҳар доим саховат ҳам, куч ҳам бу юмушни охирига етказишга ҳаракат қилади.

● Доно билан сўзлашганда кам гап бўл.

● Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

● Яхши суҳбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор: бу диққат билан тинглай билишдир.

● Барча каттаю кичикка, хоҳ у дўст бўлсин, хоҳ у душман яхшилик қилинг.

Байт:

**Олтин-кумуш эҳсон қил, ҳар яхшию ёмонга,**
**Бири савоб иш бўлса, бири тузоқ зиёнга.**

●Илм, ҳунарни азиз тутиш, қадрлаш, ёмонликни яхшилик билан чеклаштириш, қаҳр-ғазабни ютиш, берилган саволга мулойимлик, ширинлик билан жавоб бериш улуғликдан далолат беради.

● Яхшиликка ҳар ким ҳам яхшилик қила олади, ёмонликка эса яхшилик қилиш фақат чин инсоннинг қўлидан келади.

● Қачон, қаерда, қандай ва нимани қилсак — хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонлик ҳаммаси ҳам бир кун ўз мевасини беради.

● Илтижо билан ёрдам берувчи кишининг ҳимоячиси бўл, бундан яхшироқ яхшилик бўлмайди.

● Яхшилик—қалбда яшайди, ёмонлик—ўжар бошдан жой излайди.

Алишер Навоий айтади:

— Яхшилик қила олмасанг, борий ёмонлик ҳам қилма. Яхшиликни ёмонликдин яхшироқ билмасанг, борий ёмонроқ ҳам бўлма, яхшиликни билсанг, яхшиларга қўшил, яхшилар теграсида эврила олмасанг, яхшилар теграсида эврил.

Ҳикоят:

Анушервон бир куни шикорга чиқиб, саҳрони айланиб юрган экан, ёнғоқ кўчати ўтқазаётган бир чолни кўриб қолди.

— Ҳой мўйсафид, нима қиляпсан?— деб сўради Анушервон.

— Худо подшоҳга узоқ умр берсин, ёнғоқ экяпман, — деди.

— Сен қари одам бўлсанг, бу дарахт қачон вояга етиб, қачон ҳосил беради? — деди.

— Бошқалар экдилар, биз едик, биз экамиз, бошқалар ейишади, — деди чол.

Анушервон бу сўзга таҳсин ўқиб, офарин деди. Агар Анушервонга бирор нарса ёқиб қолса офарин дер экан. Шунда ўша одамга 100 дирам пул беришар экан. Анушервон чолнинг сўзини эшитиб: "Офарин" деган экан, унга 400 дирам беришибди.

— Ҳеч кимнинг дарахти мен экканчалик тез ҳосил бермаган, — деди чол.

Анушервон яна "офарин" деди. Мўйсафидга яна 400 дирам беришибди.

Подшоҳнинг назари тушгани учун ҳам бу дарахт бир йилда икки марта ҳосил берди деса Анушервон яна "офарин" деди. Чолга яна 100 дирам беришибди.

Байт:

**Кимнинг яхши номи қолса ёдгор,**
**Арзир бу дунёдан кетса бахтиёр.**

---

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳокимлигининг масъул ходими Ҳадича Саломовна Атаматованинг падари бузруквори

**АБДУСАЛОМ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

# МУТЛАҚ ҒОЛИБ

## (ҲИКОЯ)

Салим милки пилла бўлган боладай инграб уйга кирди-да, одатдагидек ўзини караватга отди. Вой, оёғим, вой... Худди машина туртиб кетгандай оғрияпти-ку. Эшбой гурзи футбол ўйнашни билмасаям, пойлаб туриб оёққа тепишга устаси фаранг. Бекорга унга «гурзи» деб лақаб қўйишмаган. Ҳатто жамоасига сардорлигимни ҳам писанд қилмади-я. Нима бўлгандаям, уларни доғда қолдириб, дарвозаларига иккита тўп киритганим зўр иш бўлди-да. Шундай қилиб мактабда биринчи ўринни олдик. Менга Фахрий ёрлиқ топшираётганларида Эшбой гурзининг башараси олқинди совундек оқариб кетди. Айтмоқчи, соат неча бўлдийкан?... Ие, ойимлар ишдан келадиган вақт бўлибди-ку. Ётиб олганимни кўриб яна «дийдиё»ларини бошлайдилар: «Бу қанақа тўраларча ётиш, қачон сенга сон киради, дарсингни қилдингми ёки сакиллаб копток тепдингми, ўқишингни уддалай олмасанг футболингни йиғиштир...» Дадамлар ҳаёт бўлганларида-ку, мени ойимларга шунчалик хўрлатиб қўймасдилар.

Шу пайт кимдир эшик тугмачасини босиб, электр қўнғироқни жиринглатиб юборди.«Ойимлар», — деди хаёли бўлинган Салим эриниб ўрнидан тураркан.

Муаззам опа ўғлининг саломига алик олиб, ичкари хонага ўтди.

— Яна ечинмасдан караватга юмалабсан-да, ўғлим. Нега менинг айтганларимни қулоғингга илмайсан? Даданг раҳматли бўлганда-ку... мени бунчалик хафа қилдириб қўймасди. Ишхонада-ку ҳамма мени ҳурмат қилади. Фақат сен... Бугун мактабингга борган эдим. Синф раҳбаринг мендан ҳам, сендан ҳам норози. Ер ёрилмади-ю ерга кириб кетмадим... Ҳойнаҳой, бугун ҳам дарс тайёрлай олмагандирсан?

— Тайёрладим, — ҳавоси тугаган пуфакдай бўшашиб жавоб берди Салим.

— Қайси фандан? — чеҳраси очилиб сўради Муаззам опа.

— Жисмоний тарбиядан.

— Нима? — сергакланди у, — ўқитувчинг айтган эди-я, дарс пайтида ҳам футболдан баҳслашиб ўтиради, деб. Бунинг устига аълочиларни майна қилар эмишсан. Кап-катта бўлиб қолдинг. Шуларни ақлинг тарозиси палласига бир қўйиб кўр, ўғлим... Ие, оқсоқланяпсанми, яна нима бўлди? Қани, кўрсат-чи, Вой-бў-ўй чаён чаққандай кўкариб кетибди-ку! Ҳозир дори қўйиб боғлаб қўяман.

Кайфияти ва иштаҳаси йўқолган Салим овқатланмасдан эрта ётиб олди. Лекин ҳеч уйқуси келмади. Гўё у юмшоқ тўшакда эмас, шудгор қилинган жойда ётгандай ҳис қилди ўзини. Нима учун омад унга бурнини қийшайтираётганини ўйлаб, ўйининг охирига етолмасди. «Бошқалардан қаерим кам, - хўрлиги келарди унинг, - разрядли футболчи бўлсам, мактабимиз спорт шарафини неча йилдан бери ҳимоя қилиб келсам, номимни ҳатто тумандагилар билишса. Хўш, аълочилардан бири синф бошлиғи Эшбой гурзими? Баландликка сакрашда эчки боласининг устидан ҳам сакраб ўтолмади. Уч ҳатлаб сакрашда эса маст одамлардек нуқул йиқилаверади. Югуришини гапирмаса ҳам бўлади, айиқнинг ўзгинаси. Футболда бешиктерватардек бир жойда тебраниб тураверади. Мен бўлсам енгил атлетикадан туманнинг мутлақ ғолибиман. Ҳадемай, шаҳар биринчилиги бошланади. Шу мусобақада омадим келиб қолса борми?! Кейин республика, жаҳон чемпиони бўлиб кетсам-а, мазза бўларди-да, кўча-кўйда кўрганлар «Ана, чемпион келяпти» дейишарди. Ўшанда Эшбой гурзининг лабига учуқ тошиб кетса керак...»

Тун ярмидан оққанда уни уйқу элитди. Эрталаб ҳатто соатнинг жиринглаганини ҳам эшитмади.

— Ҳой, болагинам, мактабга кеч қоласан-ку, — ойисининг мулойим овозини эшитиб, зўрға кўзини очди. — Қалай, оёғинг тузукми, кечаси билан алаҳсираб чиқдинг?

— Тузук.

— Тезроқ отланақол, тағин ўқитувчингдан гап эшитиб юрмагин.

— Қўяверинг ойи, биринчи дарсга кечга қолсам, иккинчисида қатнашавераман...

— Ўғлим...

У гўё узоқ масофага югуриш мусобақасида қатнашаётгандек мактабига югуриб кетди. Дарвозага етар-етмас дарсга қўнғироқ чалинди. «Яша, чемпион», деди у ўзига-ўзи.

Катта танаффусда ҳозиргина илинган «Нур» деворий газетаси атрофи гўё асаларининг уяси бўлиб кетди. Салим болаларни туртиб-суртиб, унга яқинроқ келди. Кўрди-ю энг қўрқадиган нарсаси — илонга дуч келгандек бутун вужудига титроқ югурди. Қайси кўзи билан кўрсин, номи «машҳур» чемпионнинг расмини туянинг ўркачидай эгри-бугри қилиб чизишибди. Қўлига эса, катта папка ушлатиб қўйишибди. Ичидан чумолидай ўрмалаб «икки»лар чиқяпти. Кўзлари каптарбозникидай осмонда, юқорироқда олабула тўпнинг расми чизилганди.

Кимдир: «Роса боплашибди», — дея қийқириб кулиб юборди. Салим бемалол ўгирилиб Эшбой гурзини кўрди. Панжалари муштга тугилди-ю, бироқ мағрур турган ғирром ўйинчига бир нима дейишга юраги бетламади. У ўзининг шолғомдек қизариб кетганини ҳис этиб, юз-кўзини қўллари билан беркитганча синфи томон югуриб кетди.

Шу куни дарс тугагунга қадар Салим хаёл оғушида ғарқ бўлиб ўтирди. Қулоқларига қум тўлиб қолгандай ҳеч нарса эшитмасди. Назарида ўз онаси, синф раҳбари ва бутун мактаб ундан кулаётганга ўхшарди.

**Абдунаби МАННОПОВ**

---

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

### Бошқотирма

**Энига:** Вафодорлик мазмунидаги ҳинд фильми. 8. Нутқ қаратилган шахсни билдирувчи сўз туркуми. 9. Темурийзода ҳукмдор, «Зижи Кўрагоний» — юлдузлар жадвалини тузган мунажжим. 12. Аланга зарраси. 13. Парранда аъзоси. 16. Пойтахтимиз вилоятидаги тоғлик шифобахш оромгоҳ. 17. Туркиядаги шаҳар. 21. Узун сопли санчқили асбоб. 23. Спорт ўйини. 24. Нефть маҳсулоти, суртков мой.

**Бўйига:** Наманган вилояти тумани. 4. Ироқ ва Туркиядан оқиб ўтувчи дарё. 5. Юнон афсоналаридаги қаҳрамонлардан бири. 6. XIX аср бошларидаги Қўқон хони, ғазалнавис шоир. 10. Ер бағирлаб ўсувчи гул. 11. Футбол майдони қисми. 14. Мамлакат тараққиёти даражасини ташкил этувчи халқ хўжалиги мажмуи. 15. Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони қаҳрамони. 18. «Фазокор» ит лақаби. 19. Касалликдан халос бўлишдаги муҳим жиҳат.

**Ёйлар бўйича:** 1. Сувнинг кўпайишидан рўй берадиган офат. 2. Қуёш атрофида айланувчи ва ундан нур олувчи коинот жисми. 20. Ҳосил уюми. 22. Ип ёки ипак толадан тўқилган газлама.

### Муаммонома

**Шакл атрофидаги рақамларда мумтоз шоир Камолиддин Биноий меросига мансуб бир байт ҳикмат яширинган бўлиб, уни қуйидаги очқич сўзлар асосида билиб олинг.**

1. Китоб саҳифасидаги кўркам қисм — 17, 18, 1, 2, 7.
2. Сўз билан ифодаланган тушунча — 4, 3, 12, 11, 18.
3. Осиё ҳудудидаги чўл — 14, 18, 16, 2.
4. Мутафаккир шоир, тожик адабиёти асосчиси — 19, 5, 10, 3, 13, 2, 15.
5. Абдулҳамид Чўлпон меросига мансуб оташин шеър — 8, 3, 6, 9.

Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ.



**Газетанинг шу йил 10 октябрь сонида берилган «Ф» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:**

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 1. Форобий. 2. Филидор. 3. Фалсафа. 4. Фаолият. 5. Франция. 6. Фритаун. 7. Фаришта. 8. Флорида. 9. Формула. 10. Фузулий. 11. Фамилия. 12. Фотомиз. 13. Фарғона. 14. Фракция. 15. Функция.16. Фабрика.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Финал. 2. Фобос. 3. Фахр. 4. Фтор. 5. Фироқ. 6. Фард.

**Ҳикмат: Фан инсонларни бахтли қилади.**

---




Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-807. Топширилди 12.30 1 3456